

# Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши түғрисида

## ШАРТНОМА № 3/2021

Тошкент ш.

2021 йил “15” июль

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимиюти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. С.Ш.Орипов бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “AUTOBAHN-CONSULTING” МЧЖ Qo’shma Korxonasi номидан мукхандис О.Хайтов иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2021 йил 12-июндаги 167-сон баённомасига асосан кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуидагилар түғрисида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Тошкент шаҳар Сергели тумани Қипчоқ кўчасида замонавий ер усти пиёдалар ўтиш йўлагини қуриш” объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хulosаларини олгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирав ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (**КҚС билан**) **75 650 000 (Етмиш беш миллион олти юз эллик минг)** сўмни ташкил этади. 2021 йил тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган лимитларга асосан Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказиладиган маблағ (**КҚС билан**) **11 347 500** (Ўн бир миллион уч юз қириқ етти минг беш юз) сўмни ташкил этади, шартнома бўйича қолган баблағ (**КҚС билан**) **64 302 500** (Олтмиш тўрт миллион уч юз икки минг беш юз) қўшимча лимитлар ажратилгандан сўнг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, тўланади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичida шартнома баҳосининг 15 фоиз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун яқуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Бажурвчи қўйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига З (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишида топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хуқуки йўклигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган микдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Пудратчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қлишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қиласликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қиласлик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиши муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қиласлигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил эксперталрга лойиха смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни кисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## 5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган заарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ тўланмаган сумманинг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ ўз вақтида бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Неустойканинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлик ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чикувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарап қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишининг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечикирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топширикда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

9.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажарувчи томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

9.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувчининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тутилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

9.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон

Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

9.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2021 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

9.8. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета хисобига.

## 10. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA  
BUYURTMASCHI XIZMATI INJINIRING  
КОМПАНИЯ” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,  
16А-уй, РКЦ ГУ ЦБ г. Ташкента

МФО 00014 ИНН 204 775 594

ОКОНХ 69000

10002186026277068805110058

УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА

МИНИСТЕРСТВО РУЗ

р/с 23 402 000 300 100 001 0/0



Директор в.б.

С.Орипов

Юрист \_\_\_\_\_

### БАЖАРУВЧИ

“AUTOBAHN-CONSULTING” МЧЖ  
Qo'shma Korxonasi

Юридик манзили:

100000, Тошкент ш., М.Улуғбек тумани  
Мустакиллик шох кўчаси, 68-уй  
x/p. 2021 4000 6050 5864 3001

АТИБ «Ипотека-Банк» Яшнобод филиали  
МФО: 00959 ИНН: 306 318 279  
ОКЭД: 71110



Бош мухандис

О.Хайтов

Юрист \_\_\_\_\_